



Янгиланаётган Ўзбекистон



Хаким йўлдошев олган сурат.

ЭШОНОБОД:
“ОБОД ҚИШЛОҚ”НИНГ
ҲАЁТИЙ МЎЪЖИЗАСИ

Юртининг ободлиги, халқнинг фаровонлиги маҳалла ва қишлоқлардан бошланиши бор гап. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Обод қишлоқ” дастури бугун чекка-чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, таълим муассасалари, дам олиш масканларию қатор хизмат кўрсатиш шохобчаларининг янгича қиёфасида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Одамларнинг ҳаётдан мамнунлиги, шаҳарлардагидек қулайлик ва имкониятларга эга бўлган замонавий масканларда яшаётганидан шодонлик ҳисси замирида бир ҳақиқат — қишлоқларни обод қилиш йўлидаги ислохотлар ётибди, десак муболағга йўйманг. Ана шундай ҳудудлардан бири — Тошкент вилояти

Чиноз туманининг кўп миллатли Эшонобод қишлоғи бўлади. Бу ерда ҳам “Обод қишлоқ” дастури доирасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун янгича қиёфа касб этаётган бу жойлар кишида гуё эндигина пайдо бўлгандек тасаввур

уйғотади. Аммо бу ўша — эшонободликларнинг қадимий ва қадрдон қишлоғи. Фақат энди у замонавий кўринишда, барча қулайлик, шарт-шароитларга эга масканга айланган.

▶ Давоми 3-бетда

Янгича ёндашувлар

ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ —
ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

2021 йилда биргина техноген чиқиндиларни қайта ишлаш заводининг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаши ҳисобига йилига 7,5 тонна, 20 йил давомида 150 тонна олтин ишлаб чиқариш мумкин бўлади

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
Навий кон-металлургия комбинати
бош директори



Жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибаси ҳар қандай иқтисодий тангликни, аввало, илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг қўллаш орқали бартараф қилиш ҳамда ривожланишга эришишни кўрсатмоқда. Илм-фан ва инновацион ишланмалар ривожланаётган ҳар бир давлатнинг бугунги куни ва келажагини белгиладиган муҳим омилга айлангани бежиз эмас.

Зеро, АҚШ, Япония, Германия ва Жанубий Корея каби мамлакатлар иқтисодиёти тараққиёти бунинг яққол исботидир. Муҳими шундаки, иқтисодий ва ижтимоий юксалишнинг асосий омиллари бўлган бу жараёнлар тобора такомиллашиб борапти.

Кейинги йилларда Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда

миллий иқтисодиётимизни инновацион усулда тараққий эттириш энг долзарб вазифага айланди. Шиддат билан ўзгараётган замон илм-фан ва инновацияни янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бугун қайси соҳада бўлмасин, энг илғор инновацион ғояларни бошқалардан кўра тезроқ жорий қилганлар муваффақиятга эришаётгани айна ҳақиқатдир.

▶ Давоми 2-бетда

Халқаро конгресс

НОЁБ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ
МЕРОС —

доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастур

Пойтахтимизда анъанавий Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги ва “Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” мавзусидаги IV халқаро конгресс ўз ишини бошлади

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти бошқаруви кенгаши раиси Фирдавс Абдухоликов, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси бош котиби Ганяэ Умерова, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳақида ҳақимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”, деган сўзлари ҳар бир иштирокчини айна жараёндаги лойиҳалар ва мавзулар муҳокамасида фаол бўлишга ундади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси
хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди

Қарор билан почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Унга кўра, жумладан:



почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда “якуний манзил” хизмати жорий этилади;



“Гибрид почта” жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сони 2 баробарга оширилади;



маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва миқдорларга етказиб бериш имкониятини берувчи электрон савдо майдончаси ахборот тизими яратилади;



республиканинг камида 1000 та почта бўлимида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилиш икки баробарга кенгайтирилади ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилади;



олис ва чекка ҳудудлардаги почта бўлимида давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилади.



2021 йилда 42 та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи “Йўл харита”лари амалга оширилади.


Унга кўра:



267 та почта алоқаси бўлими биноси таъмирланади;



110 та бино давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қурилади;



326 та почта алоқаси бўлимигача 754 км. оптик толали алоқа линиялари тортилади;



250 та почта алоқаси бўлими замонавий компьютер техникаси ва мобиль қурилмалар билан таъминланади;



55 та қўшимча почта алоқаси бўлимини очиш ҳисобидан 145 та янги иш ўрни яратилади.



42 та туман почта алоқаси боғламасида “Гибрид почта” жўнатмаларини чоп этиш ва унга ишлов берган ҳолда олувчиларга етказиб бериш йўлга қўйилади;



230 та почта алоқаси бўлимида банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилади.



Янгича ёндашувлар



ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

2021 йилда биргина техноген чиқиндиларни қайта ишлаш заводи­нинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаши ҳисобига йилига 7,5 тонна, 20 йил давомида 150 тонна олтин ишлаб чиқариш мумкин бўлади

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз кон-металлургия саноати кейинги йилларда жадал ривожланмоқда. Қизилқумнинг бепоён кенгликлари қаъридаги қимматбаҳо металлларни қазиб олишнинг давлатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, соҳага дахлдор долзарб масалаларни ҳал этишда илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, инновацион фаолиятни ривожлантиришга эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Зотан, илм-фан ютуқлари, инновацион технологиялар махсуслот сифатининг ошиши, таннархининг камайиши ва рақобатбардор бўлишига олиб келади.

Навоий кон-металлургия комбинати замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, илмий салоҳияти юқори бўлган йирик корхона сифатида бундай муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга. Комбинатда янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида салмоқли илмий-амалий натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда ўзгарувчан бозор талаби ҳар бир корхонанинг инновацияларга асосланган ривожланиш стратегиясига эга бўлишини таъқоз этмоқда. Комбинатда 2026 йилга қадар олтин ва уран каби қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш учун етарли шарт-шароит яратиш имконини берувчи 105 та инновацион лойиҳани ўз ичига олган инновацион ривожланиш дастури қабул қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши 1 триллион 267 миллиард сўм иқтисодий самара беради.

Дастурда минерал захираларни ба­ҳолашнинг замонавий усуллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иш жараёни хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда қазиб олиш ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича энг янги технологияларни жорий этиш кўзда тутилган. Машинасозлик ва металлургия соҳасида янги турдаги материалларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек, технологик ускуналар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш режалаштирилган. Бу ишларни мувофиқлаштириш учун комбинатнинг Инновация маркази Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр­тлари билан самарали ҳамкор­лик қилмоқда. Жумладан, жорий йилда комбинат билан ЎзФАнинг Ядро физика­си, Ион-плазма ва лазер технологиялари институтлари, "O'ZGEORANGMETLITI" ДУК, Тошкент давлат техника универси­тети, Навоий давлат қончилик институ­ти каби ҳамкорларимиз билан 41 та йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Уларни татбиқ этиш учун 26 миллиард 181 миллион сўмлик шартно­малар имзоланган.

Сўнгги йилларда комбинатда қим­мат­баҳо металллар қазиб олиш ҳажмини оши­риш мақсадида узоқ муддатга мўлжал­ланган стратегия асосида аниқ натижа берадиган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари йўлга қўйилипти, энергия ва ресурсларни тежайдиган тех­нологиялар, янги ишлаб чиқариш қув­ватлари ишга тушириляпти. Илм-фан ютуқлари ва инновацион лойиҳаларни доимий равишда жорий этиш орқали иш­лаб чиқариш самарадорлигини ошириш эришилаётган муваффақиятларимиз га­рови бўляпти.

Комбинат ўз соҳасининг етуқ билимдон­лари бўлган илмий тадқиқотчи ва малакали муҳандис кадрларга эга. Корхонада меҳнат

қилаётган 10 минг нафардан ор­тиқ олий маълумотли мутахассиснинг 9 нафари фан доктори ва 27 нафари фан номзодидир. Марказий илмий тадқиқот лабораторияси, Марказий конструкторлик бюроси, Мар­казий лойиҳалаштириш бюроси, Шимолий кон бошқармасининг Марказий физик-ки­мёвий лабораторияси, 2 ва 3-гидрометал­лургия заводларининг марказий лаборато­рияларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Комбинат мутахассисларининг кейинги йиллардаги муваффақиятли инновацион лойиҳаларидан бири 3-гидрометаллур­гия заводида сорбциялаш жараёни чи­қиндиларини юқори самарали қўйдириш технологиясига асосланган янги мажму­нинг ишга туширилиши бўлди. Бу техно­логиянинг жорий этилиши натижасида хомашёдан олтин ажратиб олиш дара­жаси 8 фоиз, қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш ҳажми 11 фоиз ошди. Аниқроқ айтганда, сульфидли рудаларни қайта ишлаш жараёнида чиқиндига чиқиб ке­тадиган металл микдорини икки баравар­дан кўпроққа камайтиришга эришилди. Бу муваффақият қандай юзасга келди? Албатта, янги инновацион ёндашув эва­зига. Мутахассисларимизнинг "Таркиби­да олтин бўлган, қайта ишланиши қийин сульфидли рудалардан олтин ажратиб олиш усули" мавзусида олиб борган илмий изланишлари натижасида Ўзбе­кистон Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди. Мазкур ихтиро БМТнинг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти то­монидан тан олинди, олтин медаль билан тақдирланди. Бу технологик жараёни амалга оширадиган жиҳоз ва ускуналар учун "ENGINEERING DOBERSEK GmbH" компанияси мутахассислари билан бир­галика Германияда халқаро патент олинди. Мазкур технологиянинг 3-гидро­металлургия заводида татбиқ этилиши



олтин ажратиб олиш ҳажмининг сезилар­ли даражада ошишига олиб келди.

Президентимиз раислигида 3 декабрь куни илм-фан ва инновацияни ривожлан­тириш борасида олий таълим муассаса­лари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидagi ўс­тувор вазифалар муҳо­камаси юзасидан ўтказилган видео­селектор йиғилишида Навоий кон-метал­лургия комбинатида йиғилиб қолган бир неча миллиард тонна техноген чиқин­диларни қайта ишлаб, қўшимча олтин, қумуш каби қимматбаҳо металллар олиш бўйича кўрсатмалар берилди. Комбинат­да бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйича техноген чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари долзарб масалалардан бирига айлан­ган. Биринчидан, улар экологияга катта зарар етказиши. Иккинчидан, хомашё камайиб бораётир. Учинчидан, хомашё

таркибидаги қимматбаҳо металлларни тўлиқроқ ажратиб ишлаб чиқариш қув­ватларини узоқ вақт банд этишга ёрдам беради. Мутахассисларимиз олимлар билан ҳамкорликда мазкур муаммолар ечим бўйича янги технологияларни яра­тишга муваффақ бўлди.

Хусусан, уюмда эритмага ўтказиш цехи ҳудудида ҳар тоннасида 0,6 грамм олтин бўлган 300 миллион тоннадан кў­проқ техноген чиқинди тўпланиб қолган эди. Комбинат томонидан техноген чи­қиндиларни қайта ишлаш бўйича дунё амалиётида бўлмаган, ноёб инвести­цион лойиҳани амалга ошириш бошлан­ди. Бу борада Россиянинг "Иргиредмет" илмий-тадқиқот институти билан ҳам­корликда техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологик регламент ишлаб чиқилди. Инвестицион лойиҳага кўра, йилига 15 миллион тонна техноген чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга

7-гидрометаллургия заводи барпо этил­моқда. Жорий йилда заводнинг муддати­дан олдин ишга туширилган 4 та теги­ромонида 10 миллион тонна маъдан қайта ишланади. 2021 йилда завод тўлиқ қув­ватга эришгандан сўнг техноген чиқин­дини қайта ишлаш ҳисобига йилига 7,5 тонна олтин олинади. Мазкур ҳудудда тўпланиб қолган чиқиндиларнинг 20 йил давомида қайта ишланиши натижасида қанча нодир металл олин­ишини ҳисоб­лаш қийин эмас. Бу оз эмас, кўп эмас — 150 тоннани ташкил этади!

Шунингдек, 1958 йилдан то 1991 йил­га­ча Учқудуқ саноат ҳудудида уран қонини очик усулда ўзлаштириш оқибатида тарки­бида уран бўлган 1 миллиард 400 минг куб метр чиқинди уюмлари ҳосил бўлиб, у 237 минг квадрат метр майдонни эгаллаган эди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида му­тахассисларимиз томонидан илмий тадқи­қотлар қилинди. Чиқиндиларни қайта иш­лаш ва ҳудуд экологик муҳитини яхшилаш мақсадида "Радиоактив кон ағдармалари­ни рекултивация қилиш усуллари" мавзу­сидаги тадқиқот ишга Ўзбекистон Интел­лектуал мулк агентлигидан патент олинди. Натижада Шимолий кон бошқармаси гео­технологик қонида таркибида уран мав­жуд чиқиндиларни рекултивация қилиш участкаси ташкил этилди. Участка фойда­ланишга топширилгандан буён 636 минг тонна чиқиндидан уран ажратиб олинди ва катта ҳудуд рекултивация қилинди. Бу ҳол иқтисодий самара бериши билан би­р­галикада экологик муҳитнинг яхшиланиши­га имкон яратди.

Комбинатнинг кўп минг кишилик жа­моаси қўлга киритаётган бундай ютуқлар янгилаётган Ўзбекистон иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ул­кан корхонамизда таркибида қимматбаҳо металллар бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бориши, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёنларига илм-фан ютуқла­ри ва янги инновацион ишланмаларнинг кенг жорий этилаётгани самарасидир. Бу — давр талаби. Комбинатнинг салоҳият­ли жамоаси келгусида ҳам иқтисодий юк­салиш омили бўлган бу борадаги ишлар­ни изчил давом эттириверади.

Халқаро конгресс

НОЁБ ИЛМҲИЙ-МАЎНАВИЙ МЕРОС — доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастур



Бошланиши 1-бетда

ЮНЕСКО Бош директорининг ма­даният масалалари бўйича муовини Эрнесто Оттоненнинг мазкур халқаро конгресс иштирокчилари ва меҳмон­ларига табриғида шундай сўзлар бор: "Ўзбекистоннинг маданий бойлиги мамлакат келажагини қуришда муҳим пойдевор бўлади. Маданият инсонга тенглик ва ўхшашлик ҳиссини беради ва жамиятлар орасида ўзаро мойиллик уйғотади. Шу билан бирга, маданий

мерос ва ижод, иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш орқали қашшоқлик қўламини камайти­ришда ҳам муҳим роль ўйнайди".

Конгрессда расмий доиралар ва хал­қаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг 40 дан ор­тиқ мамлакатларидан 300 дан зиёд, шунингдек, 1000 га яқин маҳаллий таникли олимлар, юртдошларимиз ишти­рок этди.

— Пандемия ойларида биз анчагина маълумотлар йиғиб олишга мўяссар бўл­дик, — дейди Ўзбекистон маданий ме­роси сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш

бўйича Бутунжаҳон жамияти бошқаруви кенгаши раиси Фирдавс Абдухаликов. — "Ўзбекистон маданий мероси Италия тўпламларида", "Сугдиёна — Буюк Ипак йўлининг юраги" мавзула­ридаги тўпламларнинг назорат нус­халарини ҳам хозирлашга улғурдик. Сўнгги нашрни босмага тайёрлашда Россия, Хитой, Ўзбекистон, Италия олимлари иштирок этди. Мамла­кати­мизнинг Буюк Британия ва Италия­даги элчихоналари кўмагида Лон­доннинг Виктория ва Альберт музейи ҳамда Римнинг Жаҳон цивилизация­лари музейи вакиллари билан видео­маслаҳатлар ўтказилди. Бу каби ало­қалар ҳамкорликдаги фаолиятнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради, албатта.

Ҳафталик доирасида жаҳон ҳам­жамия­тининг Ўзбекистон маданий меросини ўр­ганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича 2025 йилгача олиб борадиган ишларнинг "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш режалаш­тирилган. Шунингдек, мамлакатимиз му­зейлари ва кутубхоналарига "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" ло­йиҳаси китоб-альбомлари ва ноёб қўлё­маларнинг факсимилеларига сертификат­лар топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Минг йиллар давомида Ўзбекистон жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлиб келган, — дейди Ислмо тарихи, маданияти ва санъатини ўрганиш мар­кази бош директори Халит Эрен. — Бу ерда шаҳарлар тарихидаги энг қўхна аҳоли пунктлари ҳамда йирик савдо ва

сайёҳлик йўналишларининг чорраҳалари мавжуд. Тарихдан биламизки, Ўзбекис­тон ислом цивилизациясига улкан илмий ва фалсафий ҳисса қўшган давлат. Қўхна қўлёзмалар ва китобларни varaқла­ганимизда, экспонатлар ва эпиграфикали меъморий ёдгорликларни қўздан кечир­ганимизда айни ҳақиқат акс этиб туради. Ўшбу мерос хазиналари ҳаммаша халқаро ҳам­жамият ва айниқса, мусулмон дунёси­нинг илмий қизиқишларига сабаб бўлиб келган. Шу билан бирга, бу ноёб хазина академик тадқиқотлар ва халқаро алоқа­лар учун мавзунлар беради. Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги мазкур йў­налишга ҳисса қўшу­вчи таҳсинга сазовор ташаббусдир.

Конгрессда мамлакатимиз маданий-тари­хий меросига бағишланган тақдиротлар ва маърузалардан ташқари, "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" туркумидаги 35 та ноёб китоб-альбом­ларнинг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Ки­тоблар, турли даврларга оид ва дунёнинг турли мамлакатлари тўпламларида, жум­ладан, Чехия, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Италия, Туркия, Польша, Буюк Британия, Япония музейлари ва шахсий коллекция­ларида сақланаётган Ўзбекистон санъат асарларининг ранг-баранг уйғунлигини ўзида акс эттиради. Улар орасидаги бир нечта жилдлар мамлакатимиздаги Давлат тарихи музейи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Беруний номида­ги Шарқшунослик институтида сақланаёт­ган нодир асарларга бағишланган.

Шуқуҳли тадбирнинг кечки дастури-



дан ўрин олган "Миллий либослар — янги Ренессанс дурдонаси" номли мо­да­лар кўргазмасининг очилиш маросими ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Уч кун мобайнида пойтахти­мизда маҳаллий ёш дизайнерларнинг муамлифлик дефилеси ўтказилди ва улардан энг яхшилари Ўзбекистон мада­ний мероси ҳафталигининг махсус со­вин­рлари билан тақдирланади.

Ажойиб намойишлар ва муҳокамалар ҳақида Ўзбекистон модельерлар ва дизай­нерлар уюшмаси бошқаруви раиси Холи­да Комилова шундай фикр билдирди: — Кўргазма миллий ўзбек либосини профессионал даражада ўрганишнинг кўп йиллик натижаларини намойиш этади. Бу жараёнга турли соҳа мутахассислари — санъатшунослар, дизайнерлар, либослар лойиҳачилари ва тарихчилар жалб этил­ган. Кўргазмага мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келтирилган XIX аср охи­ри — XX аср бошларига оид 50 тага яқин тарихий либосларнинг йирик коллекцияси

тайёрланди. Либосларни яратишда биз тарихий аниқлик тамойилига қатъий амал қилдик — матолар, безаклар, пардозлар, орнаментлар, каштачилик техникасининг бир неча аср олдинги қўлланилган турла­ри ва нусхаларидан фойдаландик.

Ўзбекистон Маданий мерос ҳафта­лиги меҳмонлар ва иштирокчилар учун яна қўллаб тадбирларни тайёрлаган. Хусусан, миллий кинолар премьерала­ри намойиши, нодир хроник лавҳалар, маданият ва санъат мавзуларида нашр этилган китоблар кўргазма-ярмаркалари ҳамда таникли фан ва маданият намоян­далари билан ижодий учрашувлар ўтқа­зилиши ҳам режалаштирилган.

Халқаро конгресс очилиш мароси­мида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳакимов сўзга чиқди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЭШОНОБОД: “ОБОД ҚИШЛОҚ”НИНГ ҲАЁТИЙ МЎЪЖИЗАСИ



Бошланиши 1-бета

Қишлоққа таклиф этилган бир гуруҳ меҳмонлар, хусусан, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, масъул вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда Россия Федерацияси, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг Ўзбекистондаги факулдда ва мухтор элчилари ана шу ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлди. Байрам тадбирига узоқ-яқиндан келган меҳмонларни очик юз билан қарши олган қишлоқнинг турли миллат вакилларидан иборат аҳолиси юзигадаги табассум, юқори кайфият бир онда тадбир иштирокчиларига ҳам кўчди. Йўллар бўйлаб безатилган декорациялар эса қишнинг совуқ кунларида қалбларга илиқлик, чинакам баҳорий кайфият бахш этиб турди. Қишлоққа кираверишдан оқ баралла янграган ўша машҳур “Бир келиб кетинг қишлоғимизга” қўшиғи олис-олисларгача акс-садо берди.

— Миқёс ва мазмун жиҳатидан ниҳоятда кенг кўламли эга бўлган “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида Эшонабод қишлоғида истикомат қилаётган қарийб 3,2 минг аҳоли ҳаётида мўъжизага тенг ўзгаришлар юз берди, — деди Чиноз тумани ҳокими Акмалхон Мадиёв. — Пандемия тўғрисида дунёнинг энг етакчи давлатларидаги каби мамлакатимиз олдида пайдо бўлган мураккаб муаммо ва қийинчиликлар, дуч келинган турли синовларга қарамасдан, катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари олиб борилди ва Эшонабод бамисоли мўъжиза шаҳарчага айланди.

Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳридан 80 километр, Чиноз тумани марказидан 20 километр олинса, қўшни Қозғистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган “Эшонабод” маҳалласининг аввалги аҳолиси ниҳоятда ачинарли ҳолатда бўлган. Логистика, инфраструктура ва бошқа жиҳатлардан фуқароларга шароит яратиш беришда анчагина камчиликларимиз бор эди. Шу боис, мазкур қишлоқ 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган, юртдошларимиз талабидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлашга киришилди. Қишлоқнинг кўп миллатли аҳолисига қўлайлик яратиш мақсадида маҳалла маркази қурилди. Унда рақамли технологиялар асосида 140 дан ортиқ хизматларни кўрсатишга мўлжалланган Давлат хизматлари агентлигининг филиали очилди. Ёшлар учун дам олиш масканлари бунёд этилди. Бугун ана шу ишлардан қишлоқ аҳли мамнун. Шу масканни ўзига ватан ичра кичик ватан деб билган, бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва бошқа миллатларга мансуб юртдошларимиз юз-кўзиданги қувончининг, юракларини лиммо-лим тўлдириб, жүшқин дараддек тошиб чиқаётган зўр кўтаринчили ва шукроналик кайфиятининг чегараси йўқ.



ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ

Юртининг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашни, аввало, боғча, мактаблардан бошлашимиз кераклиги айна ҳақиқат. Президентимиз илгари сурган “Келажақ боғчадан бошланади” ғояси замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётибди. Шу жиҳатдан, дастур доирасида Эшонабод қишлоғидаги 17-мактабгача таълим ташкилотининг тўлиқ таъмирдан чиқарилиши аҳолининг айна кўнглидаги иш бўлди.

Асли 1990 йилда ташкил этилган бу боғчага 2017 йилгача 30 нафардан ортиқ болани қабул қилишнинг имкони бўлмаган. Йиллар давомида анча эскириб қолган таълим даргоҳини таъмирлаш учун 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада камрови 150 нафарга етказилган боғча ақлини пешлайдиган, билимини чарчлайдиган, зийраклик, қаққонлик ва ҳозиржавоблики тарбияладиган замонавий таълим-тарбия воситалари билан жиҳозланди. Инновацион тажриба сифатида катта мониторинг проектор орқали дарслар ўтиш йўли қўйилди. Бугун ушбу масканда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида таълим-тарбия олаётган турли миллат болалари аҳил-иноқликда мактаб таълимига тайёргарлик кўрмоқда. Боғча ҳовлисида ўрнатилган қардош халқларнинг аънаналарига ҳис декорациялар ҳам миллатлараро тотувлигининг ифодаси сифатида акс этиб турибди.

Қишлоқдаги 350 ўринга мўлжалланган 20-умумий ўрта таълим мактабида ҳам дарслар ўзбек, қозоқ ва қирғиз тилларида олиб борилади. Дастур доирасида тўлиқ таъмирдан чиқарилган мазкур таълим даргоҳи 1972 йилда ташкил этилган эди. Таъмирлаш жараёнида қўшимча равишда 180 ўринли бино қурилиб, замонавий асосда жиҳозланди. Ҳозир бу ерда 13 та қозоқ, 15 та ўзбек синфи мавжуд. Қишлоқда таълим билан спортни уйғунлиқда олиб боришга ҳам катта эътибор қаратилган. Мактабдан узоқ бўлмаган жойда янгидан қурилган болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси ҳам доим ўйил-қизлар билан гавжум. Эндilikда қишлоқ ёшлари мажмуада футбол, волейбол, теннис, кўл тўпи, бокс ва бошқа спорт турлари билан шугўлланиб, вақтларини мазмунли ўтказишлари мумкин бўлади. Мухим, келгусида жаҳон ареналарида ватанимиз байроғини баланд кўтарадиган бўлажақ чемпионлар мана шу мўъжиз майдондан етишиб чиқиши учун замин ҳозирланди.

ҚАРДОШЛИК НАВОЛАРИГА ҲАМОҲАНГ

Ўзбекистонда ҳукм сураётган ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тотувлик, бағрикенглик муҳитини янада

мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган янги объектларни фойдаланишга топширишга бағишланган тадбирлар том маънодаги тантаналарга, таъбир жоиз бўлса, дўстлик байрамига айланиб кетди. Қишлоқда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, барпо этилган кўплаб ижтимоий соҳа объектлари, замонавий уй-жойлар она заминимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига кўрсатилаётган бирдек эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Аҳиллик кўчасида қад ростлаган, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва рус халқлари аънаналари акс этган ўтовларнинг ичию ташида шу кун қишлоқдаги кўп миллатли аҳолининг аҳил-иноқ, тотув-ҳамжихат ҳаётидан ҳикоя қилувчи ўзига ҳос дўстлик муҳити намоён бўлди. Хар бир ўтов олдида ўз куй-қўшиқ, миллий рақсларини намойиш этган миллатлар вакиллари меҳмонларга кўтаринки кайфият улашди. Тадбир иштирокчилари ўтовлар ичига кириб, қардош миллатларнинг урф-одатлари, миллий таомлари, хўнарамдчилик ва амалий санъат намуналари билан танишди. Йигилганлар тилида бир ҳақиқат — Ватанимиздаги мана шундай миллатлараро дўстлик муҳити билан бирга, аҳил қўшничилик сиёсати халқимизни янги Ўзбекистонни барпо қилишдек буюк ғоя атрофида бир мушт бўлиб бирлашишига хизмат қилаётгани бот-бот такрорланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган ислохотларда тўлиқ ўз аксини топан “Обод қишлоқ” дастури доирасида бу ерда олиб борилган бунёдкорликлар хар қандай кишини ҳажжонга солади, — деди Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факулдда ва мухтор элчиси Содик Имомий. — Эшонабодда ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз миллатларининг ўзаро ҳамжихат, бир оила аъзоларидек яшаётгани бизни жуда хурсанд қилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ишга туширилган корхоналар, албатта, яқин келажақда бу қишлоқ иқтисодиётини янада юксалтиради. Таълим, маданият ва спортни ривожлантириш учун қурилган иншоотлар ёш авлодни баркамол тарбиялашга йўналтирилган билан аҳамиятлидир.



Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факулдда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев эса чекка бир қишлоқда бундай ободликлар амалга оширилганидан хайратда экани, замонавий мактаб бинасининг янги ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлангани, ўқувчилардаги билим олишга бўлган интилишлар, жиҳмоний тарбия ва спортни ривожлантириш асосида иш олиб бораётган турли соғломлаштириш тўғрисидаги киши ҳавасини келтиришини таъкидлади. Дарс жадвалларида ҳафта-сига 2 соат рус тили дарси ўтатилаётган бўлса-да, болаларнинг рус адабиётини мунтазам ўқиш-ўрганиши, шу тилда мустақил ўзаро мулоқот қилиши натижасида ана бирсон сўзлашаётганини эътироф этди.

Ўтовлар атрофидаги куй-қўшиқларнинг оҳанги қулоқлардан узоқлашиб улғурмасдан, қишлоқ хиебонидида ташкил этилган катта амфитеатрда бахши-жировларнинг айтишувлари авж олди. Оҳангларидаги туйғулар сўзга инди, қалб тебранишлари куйга дўнди. Янгиланаётган қишлоқлар манзараси куй бўлди, қўшиқ бўлди.

ДЎСТЛИК ВА КИТОБГА ЭХТИРОМ

Қишлоқ аҳолининг пойтахтдан кам бўлмаган шароитларда дам олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам қўлайликлар яратилди. Эски яйловда бунёд этилган истироҳат боғи “Дўстлик боғи”га айланди. Боғнинг хар бурчагида турли давлатларнинг архитектура намуналари қад ростлади. Бу хиебон — мамлакатимиз ва жаҳондаги энг нодир меъморий обидаларнинг ихчам макетларини ҳам ўзида мужассам этган. Унга кириб келар экансиз, аввало, Ватанимиз бош майдонининг рамзий дарвозаси — Эзгулик



аркасининг макетига қўзингиз тушади. Парвозга шайланаётган турналар халқимиз қалбидида бегубор орзулар, фаровонлик ва барака тимсоллари бўлса, баланд ва мустаҳкам устулар мамлакатимизнинг бақувват таянчларини ифодалайди.

Хиебон марказида Китоблар мону-ментининг қурилиши эса қишлоқ ҳаётида катта воқеалик бўлди. Монумент Алишер Навоий, Мусо Хоразмий, Абдулла Қодирий, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматов, Садриддин Айний, Александр Сергеевич Пушкин каби буюк аллома, маърифатпарвар ижодкорларнинг турли тиллардаги асарларини битта ўқ илдизда бирлаштириб турибди. Китоблар монументида номин зикр қилинган ижодкорларнинг асарларини махсус штрих кодлар орқали мобил қурилмаларга осон юклаб олиш имкони ҳам яратилган.

“Қасбим журналист бўлганимги сабабли Тяньшанда тез-тез бўлиб тураман. Тяньшан йўллари, унинг қиру адирлари, виқорли тоғ чўққилари, ўзининг шарос ёмғиру дўллари, қишли қор-бўронларидан туюдек қутурган дарёю доволлардаги об-ҳавоси ўлим ваҳимасини солиб турса-да, лекин Иссиқкўлнинг гўзал, кўркам манзарасини бошқа ердан топа олиш мумкинми? Қаранг, Иссиқкўлимиз қандай ажойиб. Айниқса, оққушлар. Оққушлар Иссиқкўлга қузда учиб келади. Баҳорда эса жуда дам-кам келади. Уларни баҳорда келишлари яхшиликдан, бахтдан дарак берар эмиш.”

Чингиз Айтматов номидан айтилган бу сўзлар Муқимий театри актёри Иқбол



Ошиқов томонидан моҳирона ижро этилар экан, йигилганлар ўзларини худди буюк адиб қаршисида тургандек, у билан нигоҳлари беихтиёр тўқнашиб, қалбан мулоқот қилаётгандек ҳис этди. Бошқа ёзувчи, шоирларнинг ҳам бадиий қиёфалари бир қатор актёрларимиз яратган образларда гавдаланиб, томошабинлар олқишишга сазовор бўлди.

Бу богда ана шундай бадиий чиқишлар, ёшлар ижросидаги турли санъат намуналари бундан кейин давом этаверади. Адабий тадбирлар, мушоиралар бир-бирига уланиб, боғ китобхон ўғил-қизларнинг энг севимли масканига айланиши, шубҳасиз.

Қишлоқда янги барпо этилган маданият саройида бундай машғулотларни бошлаб юборган эшонабодлик санъат-сева ёшлар меҳмонларни ўзларининг ижод намуналари билан кўтиб олди. 200 ўринга мўлжалланган маданият ва санъат ўчоғи кўп миллатли қишлоқ ёшларининг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъат, компьютер технологиялари билан машғул бўлиши учун ажойиб

— Узим Эшонабод қишлоғида яшайман, — дейди Обида Тохирова. — Уч



имконият яратади. Ўғил-қизларнинг санъат қошонаси сахнасида намойиш этиладиган илк кичик қиқишлари келгусида бўлгани учун қатнашда қийинчиликлар бўлмаятти. Ҳозир тикишни ўргатяпман, сўнг асосий тикув цехига ўтаман. Бу ерда шароитлар яхши, ойлик маоши ўз вақтида берилади. Шундай яхши шароитда ишлаб, оиламиз даромадида ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Тикув корхонасида турли хилдаги кийим-кечақлар, хусусан, курткалар, костюм-шим, спорт ҳамда махсус ишчи кийимлари тикилади. Маҳсулотнинг асосий қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Даромад ҳам ёмон эмас. Жорий йилда 350 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Аҳамиятлиси, шў ерда

БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪРИФАТ ҚУДРАТИ

Бугун мамлакатимизда “Обод ва хавфсиз маҳалла” ҳамда “Маҳалла раиси



— ислохотчи” тамойиллари асосида фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизим яратилаяпти. Эшонабод қишлоғининг исми-жисмига мос Файзобод кўчасида қад ростлаган замонавий маҳалла маркази ҳам бу борадаги ислохотларнинг амалий ифодасидир. Барча шароитларга эга замонавий маҳалла фуқаролар йиғини бинасида мўъжиза кутубхона ва мутлоаа зали, тумандаги Халқ қабулхонаси, давлат хизматлари марказининг шохобчалари, 3-сектор штаби, тиббиёт пункти, банк филиали каби одамларга қўлайлик яратишга хизмат қиладиган объектлар ташкил этилган. Меҳмонлар бинадоғи шароитлар билан танишар экан, мамлакатимизда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, икки институтни уйғун ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг чекка бир қишлоқдаги натижасига юқори баҳо берди.

Файзобод кўчасида илк марта “темир дафтар”га киритилган, оғир ижтимоий вазиятга тўшиб қолган хотин-қизлар, ёшлар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун намунавий лойиҳалар асосида уч хонали 38 та арзон уй-жой қурилганини ҳам кўпчилик эътироф этди. Туман ҳокимининг таъкидлашича, уйлар 20 йиллик имтиёзли кредит эвазига берилиб, ипотека кредитининг бошланғич бадали давлатимиз ажратган субсидия ҳисобидан қопланган. Айтиш жоизки, бу уй-жойсиз, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган янгича тизимнинг яққол намунасидир.

Яна бир муҳим жиҳати, “Обод қишлоқ”ни барпо этишда аҳоли, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тадбиркорлар томонидан ҳудудда 500 ўринли тикувчилик цехи очилиб, ишчилар учун барча шароитлар яратилди. Корхона икки қисмдан иборат бўлиб, хотин-қизлар аввал 120 ўринли цехда ўқитилиб, сўнг асосий цехга ўтказилади. Қишлоқда яшовчи чеварлар ҳамда янги иш ўрганиб, қўли келишган тикувчилар мана шундай замонавий тикув корхоналарида меҳнат қилиб, рўзғорига барака киритмоқда.

— Узим Эшонабод қишлоғида яшайман, — дейди Обида Тохирова. — Уч

фарзандим бор. Оддий уй бекаси эдим. Қишлоғимизда катта тикув цехи очилгач, ишга келдим. Уйимизга яқин жойда бўлгани учун қатнашда қийинчиликлар бўлмаятти. Ҳозир тикишни ўргатяпман, сўнг асосий тикув цехига ўтаман. Бу ерда шароитлар яхши, ойлик маоши ўз вақтида берилади. Шундай яхши шароитда ишлаб, оиламиз даромадида ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Тикув корхонасида турли хилдаги кийим-кечақлар, хусусан, курткалар, костюм-шим, спорт ҳамда махсус ишчи кийимлари тикилади. Маҳсулотнинг асосий қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Даромад ҳам ёмон эмас. Жорий йилда 350 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Аҳамиятлиси, шў ерда

хотин-қизларга тикиш-бичиш сир-асорини ўргатувчи 200 ўринли замонавий ўқув маркази ҳам иш бошлади. Шунингдек, дастур доирасида қишлоқ оилавий поликлиникаси бинаси қайта таъмирланди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, тез тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминланди. Ҳудудда меҳмонхона, минимаркет, дорихона, гўзаллик салоҳи ҳам иш бошлади. Қишлоқ аҳолисининг энг катта муаммоларидан бўлган ичимлик сув, йўл, электр энергияси билан боғлиқ бирламчи ҳаётий масалалари ҳал қилиб берилди.

Аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, “Обод қишлоқ” дастури доирасида бешта нуқтада 400 метр ер қазирдан чуқуқ сув чиқарилиб, 14 километр сув тармоғи тортилди, 2 та ичимлик сув объекти қурилди. Натижада “Эшонабод” ва унга қўшни бўлган “Бирлик”, “Сутбўлоқ”, “Ўзумзор”, “Ғайрат”, “Тонг юлдузи” ва “Ўзбекистон” маҳаллаларидаги 13 мингдан ортиқ аҳоли обихаёт билан таъминланди.

Қишлоққа янги трансформатор ўрнатилиб, мавжудлари таъмирланиши, электр тармоғи янгиланиши билан ҳудуддаги электр энергияси муаммоси ҳам ҳал этилди. Катта кўламадги ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари олиб борилди.

Қўчаларга ўрнатилган чироқлар тўғрисида бугун Эшонабоднинг оқшомлари ҳам гўзал ва тароватлидир. Замонавий объектлар, мўъжиза хиебон ранго-ранг чироқлар ёғдусида бамисоли юлдуздек порлаб турар экан, инсон не-не синовларни мардона енгилб келаётган халқимизни бирлаштириб турган буюк куч — эзгулик, бунёдкорлик ва маърифат қудратини яна бир қарра чуқуқ қис қиладди.

Ана шундай ҳаёллар оғушида юрганимизда тадбирда пайдо бўлган мард йигитларимизнинг учур қаноти — қорабайир отлардаги ҳарбийларнинг чиқишлари байрамга ўзгача ҳарорат, шухуқ олиб кирди. Айниқса, бўлажақ ватан ҳимоячиларини ўзига қаратган бу зафар ўғлонлар Эшонабод қишлоғидан етишиб чиққан кўплаб Ватан ҳимоячилари, ўз мактабини яратган ҳарбийлар тимсолида гавдаланди гўё. Уларга ҳавас билан боққан қишлоқ ёшлари келажақда ана шу акалари каби ҳақиқий ватанпарвар бўлишни мақсад қилди.

Шу тариқа, ўзаро аҳил-иноқликда яшаб келаётган кўп миллатли Эшонабод қишлоғи аҳолиси янгидан бунёд этилган обод қишлоқда яна бир шодёнани кўтаринки руҳда нишонлади. Маҳалладошлар, қишлоқдошлар бир ерга жам бўлиб, дўстлик алоқалари, ҳамжихатлик туйғуларидан яна бир қарра диллар яйради. Янгитдан чирой очган замонавий масканларни қўриб, қўзлар қувонди, диллар шодликка тўлди. Бундай шодиёна онлар юртимизнинг барча бурчақларида кезиб, “Обод қишлоқ”лар сони кун сайин қўлайиб бораётгани эса қалбимизда шукроналик туйғуларини мавжлантиради.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Йил дастури — амалда

КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ЯНГИ АСОСЛАРИ

Ҳамма йўлдошев олган сурат.

Илҳом АБРОРОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи

Камбағаллик — бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи хоҳлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳ иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир.

Мамлакатимизда кўп йиллар ош-кор этилмаган, тилга олинмаган, аммо газак олиб кетаётган муаммо, бу — камбағалликни қисқартириш эди. Янги Ўзбекистон ислохотлари ҳаётга реал қарашдан бошланди. Муаммоларни яшириш эмас, уларни олиб чиқиб, биргаликда ҳал қилишга

қиршилди. Вазият ҳар қанча мураккаб бўлмасин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий ирода-сидан куч олиб бошланган сўй-ҳара-катлар яхши самара бераётгани ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодийetni ривожланти-

риш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағал-ликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолияти-ни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори



оила бошлиғининг жинси, ишлаш ёшида-ги аъзоларга тўғри келади деганлар ва қариялар сонини оламан. Мулкига кел-сак, ер, чорва моллари, асбоблар ва иж-тимоий капитал назарда тутилди. Қасб, томорқадан фойдаланиш шакли, банд-лик тури, қишлоқдами ёки шаҳарда, хул-лас, қаерда яшаши, электр энергияси, ичимлик сув, тиббиёт, таълим муассаса-лари, ижтимоий ёрдам дастурларидан қандай фойдаланиши ҳам муҳим. Бозор-ларгача бўлган масофа, йўл инфрату-зилмаси мавжудлиги каби жиҳатлар ҳам эътибордан чет қолмаслиги керак. Биз шу асосларда камбағалликнинг аниқ та-сирини, унга қарши кураш бўйича асосий чора-тадбирлар ва тавсиялар мазмунини белгилаймиз.

Таъкидлаш жоизки, камбағаллар жамиятнинг иқтисодий фаол қисми си-фатида, агар уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш имконият-лари кенгайтирилса, ишчилар ёки тад-биркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларида ҳам иштирок этиши мумкин. Шунинг учун улар орасида би-лим ва кўникмалар етишмаслик муам-мосини ҳал қилиш ва таълим олишига инвестиция киритиш жуда муҳим.

Ривожланиётган давлатларда мала-касиз ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўпчилиги ва молиявий, моддий ресурс-ларнинг етишмаслиги тенденцияси устунлик қилади. Бу, асосан, меҳнат

ресурсларини талаб қиладиган соҳа-ларни ривожлантириш мақсадга муво-фиқлигини аңлатади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ҳамкорликда фуқароларнинг яшаш шароити, ижтимоий аҳолининг ўрғаниб, ижтимоий аҳоли танг аҳоли қатлам-ларининг рўйхати шакллантирилмоқда. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши камбағал оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали даромад манба-ларини кенгайтиришга, уларнинг меҳ-нат бозоридagi фаоллигини оширишга ҳамда ўзини ўзи банд қилиш каби бир қатор ижобий ишлар олиб борилишига туртки бўлмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йилда ўтказилиб келинаётган барча ви-деоселектор йиғилишларида тадбир-корликни ривожлантириш орқали кам-бағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, мамлака-тимизнинг барча ҳудудларида ишлар қизгин ташкил этилган. Янги иш ўрин-лари яратилиб, аҳолининг даромадла-рини ошириш бўйича аниқ йўналтирил-ган мақсадларга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бугунги шароитда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқар-тиришда Хитой тажрибасини алоҳида эътироф этган эди. Бугун ана шу йўна-лишда ҳам ишлар бошланган.

Бундан ташқари, Хитой ва Ҳин-дистон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, аграр ислохотга эътиборни кичик фермер ҳўжаликлари томони-дан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар-ни қайта ишлаш ва сотишни энгил-лаштиришга йўналтириш ҳам яхши натижа бермоқда. Бу жараёнда қиш-лоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперативлар фао-лияти ривожланмоқда. Жорий йил 1 ноябрга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томони-дан Бандликка ўзлаштириш давлат жамғармасининг 47,3 миллиард сўм субсидия маблағлари ҳисобига 429 кооператив ташкил этилиб, 20 минг 452 фуқаро бандлиги таъминланди.

Муносабат

Табиат инъом этган ресурсдан тўғри ва оқилона фойдаланмаслик оқибатида сўнгги йилларда бутун дунёда сув танқислиги муаммоси юзага келди. Хусусан, юртимизда ҳам бу масала долзарблигича қолмоқда.

Айниқса, Орол денгизи билан боғлиқ юзага келган эко-логик офат бир қатор муҳим масалалар юзасидан кечикти-риб бўлмайди деган амалий ишларни талаб этмоқда.

2020 йил 5 декабрда Президентимизнинг “Қорақалпоғис-тон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойда-ланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйи-ча кечиктириб бўлмайди деган чора-тадбирлар тўғрисида”ги

қарори қабул қилинди. Унда Қорақалпоғистонда сув ҳўжа-лиғи объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлаш-тириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйи-ча кечиктириб бўлмайди деган чора-тадбирлар тўғрисида”ги

Оролбўйи минтақасида бошланган
ишлар кўлами янада кенгайди**Жалғас УЗАҚОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири:

— Худудимизда ирригацияни ривож-лантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чоралар қўриб келинмоқда. На-тижада охириги уч йил ичида 47 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминоти

яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 11,2 минг гектарга камайди, 140 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақ-лашга эришилди.

Қарорга мувофиқ, кейинги уч йил-да республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистонда 405,7 километр узунликдаги 37 та ирригация объектини, 344 километр узунликдаги 31 та мелиорация объектини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган. Шу-нингдек, туман ва ҳўжаликлараро 49 та коллекторнинг 3 минг 277 километрида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб бо-рилади.

Шу билан бирга, ирригация ва ме-лиорация тармоқларида 16 та кўприк қуриш ва реконструкция қилиш, 11 та гидротехник иншоот ва 2 та насос стан-циясини қуриш назарда тутилган.

Мазкур қарорда сув ҳўжалиги соҳа-сининг тегишли тармоқларини ривож-лантиришга доир 7 та йўналиш бўйи-ча устувор вазифалар белгиланган. Эътиборлиси, ушбу ҳўжатда амалга ошириладиган тадбирлар, молиявий манбалар, ижрочи масъуллар ва иш-ларни амалга ошириш механизми аниқ кўрсатилган.

Шу боис, ҳар бир лойиҳага илмий ёндашиш мақсадида Қорақалпоғистон-да ва қўшни вилоятларда сув ҳўжали-ғи соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимларни ҳам жалб қилиш ва улар билан ҳар ойда икки мартаба маслаҳатлашиб олишга келишилган. Мақсадимиз сув ҳўжалиғи соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва илгор тажрибаларни, сув ҳўжалиғи ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилган ҳолда юқори самарадорликка эришишдир.

сув ҳўжалиги тизимидаги барча ташкилотлар ва туманлар қишлоқ ҳўжалиғи бўлимларида рўйхатдан ўтказилган шартномалар реестрини электрон тарзда олиш йўлга қўйла-ди. Бир сўз билан айтганда, назорат жараёни тўлиқ рақамлаштирилса, вақт ва харажат тежаларди. Шунинг-дек, соҳада инсон омили камайиши натижада коррупция муаммолари-нинг олди олинади.

Қарорда белгиланган вазифалар-нинг ижросини таъминлаш натижа-сида 2021 йилда 23 минг гектар май-доннинг сув таъминоти яхшиланади, 366 миллион 600 минг куб метр сув ҳамда 2 миллион 800 минг кВт. электр энергияси тежаларди, сувни етказиб беришдаги 1 миллиард 300 млн. сўм харажат иқтисод қилинади. Кейинги йилларда бу борадаги қўрсаткичлар янада яхшиланиб боради.

Каналлар ва суғориш тармоқла-рининг фойдали иш коэффициенти 56 фоиздан 65 фоизгача ошиши кут-илмоқда. Қолаверса, кучли ва ўрта-ча шўрланган 19 минг 400 гектар ер тегишинча кам шўрланган ва ўртача шўрланган ерлар тоифасига ўткази-лади, 96,5 минг гектар ернинг мелио-ратив ҳолатини барқарор ушлашга эришилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Соҳиба МУЛЛАЕВА ёзиб олди.АГРАР СОҲА:
ислохотлар бўй кўрсатмоқда

Қишлоқ ҳўжалиғи

**Худойберди КАРИМОВ,**
“Янги Ўзбекистон” мухбири.

Мамлакатимизда аграр соҳа жуда катта ва кенг имкониятларга эга. Дастурхонларимиз файзу баракаси, ҳаётимиз фаровонлиғи кўп жиҳатдан шу соҳа вакиллари меҳнатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда соҳани тубдан ислоҳ қилиш, уни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Кўп узоққа бормайлик, давлат харид нархларининг қарийб 3 баробар оши-рилиши натижасида қишлоқ ҳўжалиғи-нинг йирик тармоқлари — пахтачилик ва ғаллачилик даромад келтирадиган соҳага айланди. Бу йўналишларда кластер тизимига ўтилгани ҳам ишлар-ни самарали ташкил этиш ва бошқа-риш имкониятини юзага келтирди.

Шу ўринда экинзорларни парвариш-лаш ва суғоришнинг тежамкор усуллари жорий этилаётганини ҳам эсга олиб ўтиш жоиз. Ортада қолаётган 2020 йилнинг ўзи-да минглаб гектар пахта майдонлари, полиз ва सबзавот экилган ҳудудлар, боғ-ларда сув тежовчи янги суғориш тизими-дан фойдаланилиши натижасида ўтган йилдагига нисбатан икки-уч баробар кўп ҳосил олишга эришилди.

Ана шундай ютуқларни Жиззах ви-лояти аграр соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, воҳа дала меҳнаткаш-лари касб байрамларини эътироф этишга арзирли юқори кўрсаткичлар билан қар-ши олди. Энг муҳими, деҳқончилик учун анча мураккаб келган табиий шароит, Сардоба сув омбори тоқшини оқибатида юзага келган сув танқислигига қарамай, соҳанинг асосий тармоқлари — ғалла-чилик, пахтачилик, пилла етиштириш борасида белгиланган режалар, давлат билан тузилган шартномалар орқиси билан бажарилди. Бу борадаги ижобий қўрсаткичлар салмонининг ошшишга эса вилоятнинг тажрибали, ўз ишининг уста-си бўлган деҳқон ва фермерлари алоҳи-да хисса қўшди.

Бугун юртимиз ялпи қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларининг 90 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада эри-шлаётган улкан ижобий натижаларга шу соҳа пешқадамлари, илгор вакиллари-нинг фидокорона меҳнати, ўзлари эри-шаётган натижалар билан бошқа саф-дошларига ўрнак бўлаётгани сабабдир.

Арноса туманида фаолият юри-таётган “Сангзор” фермер ҳўжалиғи жамоасининг кейинги йилларда мунта-зам риважда қўлга киритиб келаётган юқори натижалари вилоят аграр соҳа-си вакилларига намуна қилиб кўрсати-лади. Ҳўжаликка “Дўстлик” ва “Меҳнат шўхрати” орденлари соҳиб Рашида Ёдгоровна етакчилиги қилади.

— Жамоамиз жорий йилда 155 гек-тар майдонда ғалла, 59 гектарда эса пахта етиштирди, — дейди Рашида опа. — Ҳар гектаридан 65 центнердан, жами минг тоннадан ортқ ғалла олинди. Дав-латга пахта сотиш режасини эса 121 фоиз уддалади. Ҳўжалигимизнинг чор-вачилик маҳмуаси кенгайиб, йирик ва майда шохли моллар сони йилдан-йил-га кўпайиб бормоқда. Бугун фермада 408 бош сотдор қорамол (уларнинг 203 бочи рақим сизир), 938 бош қўй-эчки бўлимоқда. Шу йилнинг ўзида истеъмол бозорига 153 тонна гўшт, 365 тонна сут етказиб беришга эришдик.

Баҳмал туманининг қир-адирлари бағрида атиги 35 хонадон истикомат қиладиган Бойқўнғур деган мўъжазга-на қишлоқ бор. Бундан 20 йилча ав-вал қишлоқ атрофидаги лалми ерлар-да фермер ҳўжаликлари ташкил топа бошлади. Қишлоқ фаолларидан бири Муродилла Махатов ҳам фермер бў-лишга аҳд қилди. Бошида 50 гектар ери бўлган ҳўжалик бугун 185 гектар майдонга эга, “кўп тармоқли” мақоми-ни олгани ҳам бежиз эмас. Лалми ғалла-чиликдан бошқа йирик ва майда шохли чорва моллари, 56 қўти асалариси бор.

— Ўтган йили боғдорчиликка кўл ур-дим, — дейди М.Махатов. — 10 гектар майдонга олма, олхўри, шафтоли, беҳи каби мевави дарахт қўчатларини ўтқа-здик. Икки қақирим узоқликдаги бўлоқ сувларини қувур орқали тортиб келиб, томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик.

Келаси йили боғимиз майдонини яна 10 гектарга кенгайтиришни кўзлаб ту-рибмиз.

Яқунига етиб бораётган йилнинг ўн ойн давомида Ўзбекистондан хорижа қиймати қарийб 34 миллион долларлик 104 минг тонна қовун-тарвуз экспорт қилинди. Бу борада юртимиз ҳудудла-ри орасида Жиззах вилояти пешқадам бўлиб турибди. Жумладан, йилнинг ўт-ган даврида жами экспорт қилинган қо-вун-тарвузнинг салкам 15 фоизи айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келди.

Воҳа соҳибдорлари, биринчи ғалда, фермер ҳўжаликлари полиз маҳсулотла-ри экспортига катта ҳисса қўшди. Зарбдор туманидаги Олимжон Тош-миров етакчилиги қиладиган “Ютук май-дони” фермер ҳўжалиғи ўтган йили 50 минг долларлик қишлоқ ҳўжалиғи маҳ-сулотларини экспорт қилган эди. Жорий йилда бу кўрсаткичнинг 200 минг доллардан ошиши кутилмоқда.

— Ғалла, пилла, пахта етиштириш борасидаги режаларимиз орқиси билан бажарилди, — дейди О.Тошмиров. — Дала меҳнаткашларига яратилаётган қўлайлик ва имкониятлар ишимизнинг баракали бўлишини таъминламоқда. Ана шу ғамхўрликлар натижасида бун-дан беш йил аввал бир мисол ҳам фойда олинмаган ерлардан жорий йил-да ғалладан 65, пахтадан 40 центнер-дан ҳосил кўтардик. Унга яқин техникка воситамиз бор. Мавсумий ишчилар билан қўшиб ҳисоблаганда 70 дан ор-тиқ одамни иш билан таъминлаганмиз. Уларнинг ҳар бири бажарётган меҳ-нати эвазига 2 миллион сўмдан 6 мил-лион сўмгача иш ҳақи олмақда.

Ўзбек халқининг ўзига хос фазилат-лари хусусида гап кетганда, авлоду аж-доқларимизнинг деҳқончилик, чорвачи-лик, соҳибкорлик соҳаларида эришган ютуқлари, ер илми ҳадисини олгани, пешона тери эвазига етиштирилган ноз-неъматлар билан нафақат ўзини, балки узоқ-яқин дўстлари, ҳамкорла-рини ҳам беминнат таъминлаб келгани ҳақида гапирилади. Бу хислатлар Ўзбе-кистон қишлоқ ҳўжалиғи вакиллари са-фига ўзига яраша ўрни ва мавқеига эга бўлган, заминдорликнинг ҳақият ва аънавларини асраб-авайлаб келаёт-ган Жиззах воҳаси миришкорларига ҳам тааллуқли эканига шубҳа йўқ.

Халқ қабулхоналари

ЁШЛАР БАНДЛИГИ — фаровон турмуш омили

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиб, уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан амалиётга татбиқ этилаётган янги ғоялар, ташаббус ва лойиҳалар юқори самара бермоқда. Бунинг асосида экин майдонларининг ғайрат-шижоатли ёшларга тақсимлаб берилиши ортидан иккита муҳим муаммо ҳал қилинмоқда. Биринчидан, ёшлар банд-



Туман аҳолисининг 53 фоизини ёшлар ташкил қилади. Шу боис, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Халқ қабулхонаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда жорий йилда доимий иш жойига эга бўлмаган 2055 нафар ёшнинг рўйхатини шакллантирди. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида манзилли режа, “йўл харитаси” ишлаб чиқиш, масъул раҳбар, депутатлар ҳамда тегишли мутасаддилар бириктирилди.

Айни пайтга қадар туман сектор раҳбарлари ва Халқ қабулхонасининг ўзaro ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида 1729 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Туманда “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида махсус дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастур асосида экин майдонларининг ғайрат-шижоатли ёшларга тақсимлаб берилиши ортидан иккита муҳим муаммо ҳал қилинмоқда. Биринчидан, ёшлар банд-

лиги таъминланаётган бўлса, иккинчидан, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш имконияти яратилди.

— Ишсиз ёшларнинг 709 нафари қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб қилинди, — дейди туман Халқ қабулхонаси мудири Феруз Турсунов. — Уларнинг 42 нафари пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб, ўзларига бўлиб берилган даладан мўл ҳосил етиштирмоқда. Шунингдек, 89 нафари бовдорчилик, 115 нафари чорвачилик, 72 нафари балиқчилик, 30 нафари асаларичилик, 68 нафари пиллачилик соҳаларига жалб қилинди. 33 нафар ёшга “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси асосида ер ажратиб берилди. Бундан ташқари, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида ишлаб чиқариш йўналишида 71 нафар, хизмат кўрсатиш йўналишида 51 нафар, хўнарамдчилик соҳасида эса 101 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Ешода Давронова туманнинг Урганжлар қишлоғида яшайди. Болаликдаги орзуси моҳир тикувчи бўлиш эди. Бироқ тақдир тақозоси билан ёш турмушга чиқди. Ҳаёт эса кутганимиздек силлиқ ва равон эмас. Биз билган ва билмаган жумбоқларга тўла. У кутилмаганда қўлига мўғрак гўдагини кўтариб, отасиникига қайтди. Тирикчилик бўйнига тушди. Шу боис, ўз имкониятидан келиб чиқиб, субсидия асосида иссиқхона қуриб берилишини сўраб, Халқ қабулхонасига мурожаат қилди.

— Ҳозир менга ажратилган бир сотих иссиқхонага кўкат экканман, — дейди Ешода. — У ердан 2-3 маротаба ҳосил олишни мақсад қилганман. Эрта баҳорда иссиқхонага картошка экишни режалаштириб турибман. Келажақда иссиқхонани кенгайтириш ниятидаман. Энг муҳими, ишлаш учун маҳалладан узоққа бориб юрмайман. Қолаверса, фарзандим ҳам ёнимда бўлади.

Е.Давронова яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз муваффақиятларини йил сайин мустақамлаб боришни ният қилган. Чунки у қисқа вақт оралиғида қишлоқ хўжалиги илмини ҳам пухта ўзлаштириб олди.

— Ота-боболарим хўнарамд бўлган, уй-рўзгор буюмлари ясаган, — дейди туманнинг “Дарвеш” маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Ғиёс Давронов. — Оилалиман, 4 нафар фарзандим бор. Бир неча йил Россияга ишлаш учун кетдим. Лекин ҳар жойнинг ҳам ўз тошу тарозиси бор экан. Бирим икки бўлмади. Шу боис, ўз юртимда, оилам бағрида яшаб, кўнгил хотиржамликда ишлашга аҳд қилдим. Халқ қабулхонасига мурожаат қилганимдан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим. Мурожаатимда кўрсатилган кредитни олдим. Ҳозир ота-боболарим хўнарини давом эттиряпман. Икки нафар ишчим бор, келажақда ишимни ривожлантириб, ўнта янги иш ўрни очмоқчиман. Биз, асосан, қўл меҳнати билан офтоба, қозон ишлаб чиқарамиз. Халқимизнинг уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Жондор туманнинг Работи ўғлон қишлоғида “Жондор томорқа экспорт маҳсулот ишлаб чиқариш кооперативи” ташкил этилган. Унда ҳар бир ёшга 2 сотихдан ер ажратилган бўлиб, жами 50 нафар ёш иш билан таъминланган. Ҳозир бу ерда булғор қалампери, аччиқ қалампир ва баклажон етиштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Жондор туманида ёшларни муносиб иш ўринлари билан таъминлашда амалий ишлар давом этмоқда. Бу эса аҳолининг реал даромадларини ошириб, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Шифобахш неъматлар

Доривор ўсимликларни етиштиришда энди таваккалчиликка йўл қўйилмайди

Алламурод ОДИЛОВ,
Сурхондарё вилояти Сариев туманидаги
Узун давлат ўрмон хўжалиги бошлиғи



Хўжалигимиз ишчи-хизматчилари ўрмонларни қўриқлаш, асраб-авайлаш, дарахтзорларни кенгайтириб бориш билан бирга ўрмон бойликларидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Улар хўжалигимизга қарашли Сангардак, Киштут, Зевар, Тамшуш бўлимлири ҳудудидаги майдонларда табиий ҳолда ўсадиган қизил дўлана, зирк, ёввойи pista, наъматак, аччиқ бодом, учқат, бўйимодарон, анзур пиези, равоч, арпабодидён, барги зуб, қора андиз илдизи сингари озуқабол ўсимликлар ҳосили ҳамда алкор, қирик ўти, зира, далачай (зверобой), қалампир ялпиз, дўғбўй, тоғ райхони, лимон ўти, тирноқгул, мойчецак, темиртикан каби доривор гиёҳларни териб олиб, Фанлар академиясининг “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказига топширяпти. Бунинг натижасида ҳам қўшимча даромадга эга бўляпти, ҳам мамлакатимиз фармацевтика саноатини хомашё билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Бундан ташқари, ўрмончиларимиз бўш ерлардан унумли фойдаланиш ва дарахтлар яшнаб турган заминни эрозиядан сақлаш, ёмғир ва қор сувини тўплаш мақсадида озуқабол ва доривор ўсимликларни маданий ҳолда ҳам ўстиради. Мисол учун, ишчиларимиз анча аввал очқ ва бўш жойларда шифобахш наъматакни уруғидан экиб кўпайтиришга киришганди. Ҳар йил баҳор ва куз мавсумида наъматакор кенгайиб, бугунги кунда 100 гектарга етди. Ҳозир тонна-тонна наъматак

йиғиб олинмоқда. Аччиқ бодомзор ҳам 200 гектардан ошган.

Хўжалигимизнинг сугориладиган ерларидан 3,5 гектарида қалампир ялпиз (қора тури), тирноқгул (календула), темиртикан, лимонўт, мойчецак, маккажўхори попути каби доривор ўсимликлар етиштирилади. Жорий йилда ўрмонзорлардан 100 тоннадан кўпроқ озиқабол ва доривор ўсимликлар йиғиб олинди.

Ўрмонлар ҳудудидан бу маҳсулотларни йиғиб олиш учун ҳар йили Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига пул тўлаб, квота оламин. Об-ҳаво ноқулай келган мавсумларда доривор ўсимликларнинг ҳаммасини ҳам тўлиқ йиғиштириб ололмаймиз. Масалан, “Қизил китоб”га киритилган омонқорани (унгурия викиториус) олайлик. Бу доривор ўсимлик юка гулига ўхшайди, ундан 17 хилдаги дори-дармон тайёрланади. Омонқора фақат бизнинг ўрмонда учрайди ва апрель ойида пишиб етилади. У, асосан, ўрмоннинг тоғ ва тепалик қисмида ўсгани учун териб олиш ҳамда пастга тушириш, қуриштиш кўп меҳнат талаб қилади. Шунинг учун нархи ҳам бошқа доривор ўсимликларникига нисбатан қиммат.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби ўрмон ҳодимлари ҳам бажараётган ишларидан манфаатдор бўлса, чин дилдан меҳнат қилади, ишга нисбатан масъулияти ва қизиқиши ортади. Шу пайтгача ҳодимларимиз доривор ўсимликларни териб олиб қуригани билан наъматакдан бошқасини сотиш

муаммо бўлиб келди. Фанлар академиясининг “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази бу маҳсулотларни кам талаб қиларди, нархи ҳам паст эди. Айнан шу сабаб ўрмончилар доривор ўсимликларни йиғиб топиришга унчалик ҳафсала қилмасди. Президентимизнинг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳодимларимизни руҳлантирди. Шубҳасиз, бундан кейин доривор ўсимликларни ҳимоялаш ва уларни кўпайтириш, териб топириш учун шароит ҳам, рағбатлантириш ҳам яхшиланди.

Рости, шу пайтгача ҳодимларимиз ўрмонлардаги озиқабол ва доривор ўсимликларни таваккалга йиғиштириб олиб топиришди. Гиёҳларнинг ҳар бири қандай хусусиятга эгалигини билишмасди ҳам. Баъзи ноёб ўсимликлар илдизи билан кўпориб олиниши натижасида келгуси йил ўша жойларда бу ўсимликлар камайиб қоларди. Маданий ҳолда ўстирилаётган доривор ўсимликларнинг уруғи таваккалга экиларди. Қарорда таъкидланганидек, бундан кейин ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашда илмий жиҳатдан ёндашилади. Етаки илмий муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, доривор ўсимликлар етиштиришда замонавий технологиялар жорий қилинади. Айниқса, табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захиралари аниқланади, оналик плантациялари ташкил этилади. Асосийси, таваккалчиликдан воз кечилиб, доривор ўсимликлар кимёвий тарихи ва хусусиятлари ўрганилиб, сўнг етиштирилади.

Тажрибадан аёни, қайси соҳа ихтисослашса, ўша тармоқда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Қарорда ўрмон хўжалигимизни ихтисослаштириш белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки хўжалигимиз ҳудуди бепеён ҳамда доривор ўсимликларга бой. Бу эса доривор ўсимликларни асраб-авайлаш ва уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик майдонлари ҳамда қўчатзорларни ташкил этишга кенг имкониятлар эшигини очди, шу соҳада меҳнат қиладиган етук кадрларни вояга етказиш, ишчилар манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугуннинг ёшлари

Ўзбекистонлик талаба бир вақтнинг ўзида халқаро танлов ва фан олимпиадасида ғолиб бўлди

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мураккаб пандемия шароити ўзбек ёшларининг турли халқаро танловларда иштирок этиб, ўз билим ва иқтидорини намойён этишига тўсиқ бўла олмапти. Россия Федерациясининг Халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан ноябрь ойида ўтказилган йирик танловда ҳам юртимиз номидан иштирок этган Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Нуриддин Авазов “Энг яхши иқтисодчи” номинацияси бўйича ҳамда шу платформа доирасида бўлиб ўтган онлайн олимпиадада ғолибликни қўлга киритиб, бир вақтнинг ўзида иккита олий совринга эга бўлди.

Нуриддиннинг илмий изланишлари, долзарб мавзулардаги тадқиқотлари ҳамда ўз соҳасида эгалаган билимлари туфайли эришган навбатдаги ғалабаси бутун университет жамоаси, айниқса, талабанинг ота-онаси ва илмий раҳбари Носир Махмудовни чексиз қувонтирди.

Асли Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилиб ўсган Нуриддин бо-



лалигидан математикага қизиқиб, бу фанни кўп билан ўрганди. Ушандаёқ устозлари унинг иқтисодиёт соҳасига қўбилияти борлигини пайкаб, келгуси фаолиятини шу касб билан боғлашни тавсия қилганди. Нуриддин мактаб ва лицейни имтиёзли тамомлаган, Тошкент давлат иқтисодиёт университети-га давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Таълимнинг илк босқичлари-

даёқ макроиқтисодий таҳлил ва прогностлаштириш кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Носир Махмудов илмий раҳбарлигида “Инвестициялар асосида макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва юқори иқтисодий ўсишга эришиш йўналишлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишини бошлади.

Бўлажақ иқтисодчи илмий ишида

асосий эътиборни Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаоллиқни оширишга қаратган. Талаба тадқиқот иши натижалари, мавзу доирасидаги фикр ва мулоҳазаларини 10 га яқин халқаро илмий журнал, 8 та республика илмий журнали ва мақолалар тўплами, халқаро ва республика конференцияларида эълон қилинган илмий мақолалари, 30 дан зиёд тезисида ифодалади. Унинг ана шу изланишлари Россия Халқаро илмий-тадқиқот маркази ўтказган танловда ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди ва ғолибликка муносиб қўрилди.

Платформа доирасида таққизилган фан олимпиадасида эса Нуриддинда иқтисодиёт соҳасидаги билимларини синаб кўриш имконияти туғилди. Биринчи босқичда ўтказилган онлайн тест синаовларида у 97 фоиз натижани қайд этди. Кейинги савол-жавоб босқичидан ҳам муваффақиятли ўтиб, иқтисодиёт фани бўйича халқаро олимпиада ғолибига айланди.

— Очигини айтсам, бир вақтнинг ўзида иккита катта ютуққа эришаман, деб ўйламаган эдим, — деди Нуриддин Авазов. — Одатда турли танловларда иштирок этиб, ўз билимимни синаб кўришга, билмаган нарсаларимни чуқурроқ ўрганишга интиламан. Боиси, бу каби танловлар ёшларга мотивация бериш билан бирга, ўз устида ишлашга ундайди. Юқоридаги кутилмаган ғалабадан қувондим. Асосийси, муваффақиятимдан ота-онам, устозим ниҳоятда шодланди.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаоллиқни оширишга қаратган. Талаба тадқиқот иши натижалари, мавзу доирасидаги фикр ва мулоҳазаларини 10 га яқин халқаро илмий журнал, 8 та республика илмий журнали ва мақолалар тўплами, халқаро ва республика конференцияларида эълон қилинган илмий мақолалари, 30 дан зиёд тезисида ифодалади. Унинг ана шу изланишлари Россия Халқаро илмий-тадқиқот маркази ўтказган танловда ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди ва ғолибликка муносиб қўрилди.

Уларнинг доим фахрлиниб юришлари мен учун энг катта бахт.

Нуриддин университетнинг биринчи босқичида тахсил олаётган кезларидаёқ энг иқтидорли талабалар сафидан жой олган. Турли танловларда фаол иштирок этиб келади. Айниқса, муваффақиятлари ҳам оз эмас.

2018-2019 ўқув йилида “Иқтисодиёт назарияси” фанидан республика фан олимпиадасининг университет босқичида фахрли 1-ўринни,

“Йил талабаси — 2019” кўрик-танловида “Ўз мутахассислигининг энг билимдон талабаси” номинацияси бўйича 3-ўринни қўлга киритди. 2019 йилда олий таълим муассасалари ўртасида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шiori остида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий фаолиятида миллий мустақиллик ғоясининг туб мазмун-моҳиятига бағишланган “Энг яхши мақола” танловида 1-ўрин соҳиби бўлди.

2020 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “С7–Жаҳон иқтисодиёти ва бизнес” халқаро конференциясида қатнашиб, сертификат ва “The best delegate” номинациясини қўлга киритган бўлса, “Йил талабаси — 2020” танловида университет миқёсида “Йилнинг энг фаол иштироки — инноватор талабаси” номинацияси ғолиби бўлди.


Нуриддин шу вақтга қадар оз эмас, кўп эмас, 50 дан ортиқ диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқ олган. Уларнинг бир қанчаси халқаро танловларда қўлга киритилган бўлиб, қаҳрамонимиз бу тадбирларнинг аксариятида инглиз тилида ёзилган мақолалари билан иштирок этган. Бир неча тилини билиш бугунги куннинг талаби, деб ҳисоблайдиган талаба она тилимиздан ташқари, рус, инглиз ва немис забонларида эркин сўзлаша олади.

Айни пайтда илмий ишини давом эттиряётган Нуриддин Авазов келгусида таълимнинг магистратура босқичини хорижда давом эттириб, юртимизга ма-лакали мутахассис сифатида қайтишни мақсад қилган.



ЖАҲОН ТУРКОЛОГИЯСИНИНГ БУЮК ОБИДАСИ

Ташқи сиёсатдаги кўп қиррали очиқлик тамойиллари янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижобий имижига айланмоқда. Бу мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Марказий Осиё ва турли минтақаларда яшаётган илдизи, тили, қадрияти бир бўлган туркий тилли ўлкалар билан кенг миқёсдаги ҳамкорликда ҳам намоён бўляпти.



2019 йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг еттинчи саммитида Ўзбекистоннинг тўлақонли аъзо давлат сифатида қатнашганини ҳам ана шу ҳамкорлик йўлидаги мустаҳкам қадам дейиш мумкин. Туркий маданиятнинг бешиги ва туркий давлатчилиқнинг ўқтомири бўлмиш Ўзбекистондек давлатнинг Кенгашга кириши уюшмани тугал сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ташкилотга айлантирди. Шундай шароитда мамлакатимизнинг асосий стратегик шериклари туркий давлатларнинг етакчи илм-фан вакиллари билан маданий, маърифий муштарақ ёзма мерос соҳаларида илмий учрашувлар, давра суҳбатлари, халқаро конференциялар уюштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Тошкент давлат шарқшунослик университети ўзининг ҳамкорлари — Истанбул, Анкара, Мармара, Хажеттепе, Будапешт, Боку, Жанубий Қозоғистон, Бишкек, Санкт-Петербург, Қозон университетлари ҳамда ТУРКСОЙ ва Туркий кенгаш ташкилоти билан биргаликда туркий халқларнинг тенгсиз ёдгорлиги “Қутадғу билиг” асарига бағишланган халқаро конференциянинг ташаббускори бўлди. “Қутадғу билиг” илк ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун Шарқ адабиётида шох асар сифатида доврўқ қозонди. Асар бир неча авлод туркологлар томонидан мунтазам равишда ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари мазкур тадбирнинг асарни ўрганиш бўйича муҳим илмий минбар бўлганини алоҳида эътироф этди.

Гулчеҳра РИХСИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори :



— Шарқ адабиётининг тенгсиз ёзма обидаси “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарининг яратилганига 950 йил

тўлди. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб асарни ҳижрий 462 (мелодий1069-1070) йили ёзиб тугаллаган. Китоб ўн уч минг мисрадан ортқ бўлиб, маснавийда битилган.

“Қутадғу билиг” — ота-бобо-ларимизнинг тугал эр (комил инсон) ҳақидаги қарашлари, давлат ва жамият бошқаруви, билим ўрганишнинг аҳамияти, ахлоқ ва одоб масалалари, фалсафий қарашлари, ўғил-қиз тарбияси, кишининг ички маънавий олами, унинг фазилатлари тўғрисидаги кузатувларини ўзига жамлаган ноёб асар. У қадимги туркий ёзма адабиётининг бебаҳо ёдгорлигидир.

Ўрта асрларда унинг таъсирида туркий адабиётдагина эмас, бутун мусулмон шарқ адабиётида кўплаб асарлар яратилган. “Қутадғу билиг” дунё олимларининг доимий эътиборида бўлиб, ўзбек, турк, рус, қозок, қирғиз, озарбайжон, туркман, уйғур, инглиз, немис тилларида илмий таржималари ва тадқиқотлари нашр этилган. 2019 йил ЮНЕСКО томонидан “Халқаро “Қутадғу билиг йили” деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас эди.

Ушбу илмий анжуман дунё олимларининг “Қутадғу билиг” асарини жаҳоншумул аҳамияти, унинг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи дунё шарқшунослиги олдида турган долзарб вазифаларни амалга оширишда ва тадқиқотларни чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Гулден Сағўл ЮКСЕККАЯ, профессор-доктор, Мармара университети турк тили ва адабиёти бўлими (Истанбул):



— Туркий тафаккурдаги ўзгариш жараёнини кўрсатадиган ва мумтоз туркий шеърятнинг барпо бўлишини таъминлаган “Қутадғу билиг” туркий тил ва адабиётининг гина эмас, балки турк маданияти тарихининг ҳам энг муҳим асарларидандир.

Р.Арат 1947 йили асарнинг танқидий матнини тайёрлади, 1959 йили матни ҳозирги турк тилига таржима қилди. Олим “Қутадғу билиг”нинг танқидий матнини тайёрлаш жараёнида муаллиф нусхасига эришишни мақсад қилиб олган эди.

Муаллиф нусхаси тадқиқотчилар учун муҳим бошланғич нуқтадир. Танқидий нусханинг мақсади бениқсон ва мукаммал нусхани яратиш эмас, балки муаллиф нусхасига энг яқин нусхани очиб беришдир. “Қутадғу билиг” каби муҳим асарларда барча нусхаларнинг хусусиятларини аниқлагандан ва шу хусусиятларни кўрсатувчи наشرларни амалга оширгандан кейингина асл шакллар ҳақида тахмин қилиш мумкин.



**Темур ХҲЖА ўғли,
Мичиган давлат университети профессори (АҚШ):**

— Ўзбек туркшуноси Абдурауф Фитрат 1928 йили чоп эттирган “Ўзбек адабиёти намуналари” асирида кўп сонли кўҳна битиклар қаторида “Қутадғу билиг”дан олинган 80 байтли бир парчани 1923-1928 йиллар орасида ишлатилган “янги алифбо” деб аталган, ўзбек тили талаффузига мослаштирилган араб ёзуви негизидagi алифбода нашр қилган эди. Фитратнинг бу китоби ҳақида кўплаб мақола ва асарларда маълумот берилган бўлса-да, негадир “Қутадғу билиг”дан танланган бу 80 байтли матн кейинги даврлардаги наشرлар билан солиштирилмаган. Ҳолбуки, Фитратнинг ўша 1928 йилдаги матн наشري ўзидан олдинги Ҳ.Вамбери ва В.Радлов ёки ўзидан кейинги Р.Арат (1947) ва С.Малов (1948, 1951) каби олимларнинг матн наشرларидан баъзи жиҳатдан мукамалроқдир.

Ўзбек олими Қайом Каримов 1971 йилдаги “Қутадғу билиг” асарининг кириш қисмида Фитратнинг бу борада амалга оширган иши ҳақида ҳам маълумот беради. У олимнинг “Қутадғу билиг” матнидан транскрипция қилган 80 та байти ҳақида ўша давр тақозоси билан фикр билдирмаган бўлса ҳам, ўз транскрипциясида Фитратнинг матнидан ҳам фойдаланганини айта оламиз.

Мен унинг 80 байтидан фақат 10 тасини В.Радлов (1910), Р.Арат (1947), Қ.Каримов (1971) ва С.Малов (1951) наشرлари билан муқояса қилдим. Навбатдаги солиштиришда шундай усулни қўллайман: Фитрат ўз наширида “Қутадғу билиг”нинг Тошкент (Фаргона) қўлёзма-масидан фойдаланган, уни Вена ва Қоҳира қўлёзмалари билан солиштирмаган.

Бу маърузадаги бош мақсад олимлар эътиборидан четда қолган ўша илмий ишга диққатни жалб қилиб, унинг қандай аҳамиятга эга эканлигини билдиришдир. Бошқа бир мақоламда Фитратнинг 80 байтли матнини “Қутадғу билиг” борасидаги бошқа матн наشرлари билан солиштирмақчиман. Фитрат бу матни 92 йил олдин нашр қилган эди. Буюк туркшунос олимимиз 1938 йили ўлдирилмаганида, балки “Қутадғу билиг”нинг тўла матнини ҳам ишлаб чиққан бўларди.



Боқижон ТҲХЛИЕВ, филология фанлари доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори:

миллат шарафи деб яшади, ижод қилди, ўзининг буюк меросини қолдирди. Адибнинг “Қутадғу билиг”да бошқаларнинг эътиборига етказиш лозим бўлган фикрлари кўп ва бу фикрларнинг ифода тарзи ҳам шунга мос ва муносиб тарзда ранг-баранг. Адибнинг назарида:

Ўрунғ сут била қирса ззғу қилиқ,
Улум тутмағинча звормас йўриқ.

Эзгу қилиқ оқ сут билан қиркан экан,
умрининг охиригача ҳам шу йўлни йўқотмайди.

Албатта, кишиларни яхши ёки ёмонга ажратишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Улардан бири билимдир. Адиб бунинг учун ниҳоятда гузал қиёси топади. Билимнинг сўзи оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Билимсизнинг кўнгли эса саҳродаги қум билан баробардир:

Билимнинг сўзлари ер учун
сув кабилдир,

Сувни оқизилса, ерда аёвойи
неъматлар унади.

Билимли кишининг овозаси
камаймайди,

Адибнинг ўғитлари бугун ҳам ҳаётийлигини тўла сақлаган. Биздан эса унга амал қилиш ва замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни шу мерос намуналари билан янада кўпроқ таништириш, адиб ижодий меросини янада кенгроқ тарғиб этиш йўлларини кўпайтириш талаб этилади.

Оқувчи зилол булоқнинг суви
камаймайди.

Нодон киши кўнгли
қум(чўл) каби бўлади,

Емиш, ўт ўсиши у ёқда турсин, унга
дарё оқиб қирса ҳам бўлмайди.

Адибнинг назарида, энг муҳим кадрлардан бири инсон умридир. Уни беҳуда ва ҳайф қилмаслик керак. Ҳаётда аниқ мақсади бўлган кишилар ўзига нима керагини билади. Шунинг учун ҳам улар беҳудакорликдан тийилади, азиз умри муносиб нарсаларгагина сарфлайди. Бир нарсани эсдан чиқармаслик лозимки, бу дунёда ҳар ким экзанингина ўради, холос:

Бахтиёр элиг, бу дунё
бир экинзордир,

Экин унса, киши ўз ёйдаган
ўтини ўради.

Ерга нима экса, ўша нарса унади,
Сенга (табиат) нимани берса,

ўшани яна қайта олади.

Бу дунёдаги одам сафарга чиққан кишига ўхшайди. Бу сафар узун йўлдан иборат. Узоқ йўлга тушган киши эса унга муносиб тайёрларлик кўриши керак. Назаримизда, айна мана шу ҳақиқат бугун ҳам ўз кучида турибди. Адибнинг ўғитлари бугун ҳам ҳаётийлигини тўла сақлаган. Биздан эса унга амал қилиш ва замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни шу мерос намуналари билан янада кўпроқ таништириш, адиб ижодий меросини янада кенгроқ тарғиб этиш йўлларини кўпайтириш талаб этилади.

Қудратулло ОМОНОВ, филология фанлари доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори:



— Улуғ шоир, олим ва файласуф Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ўрта асрлар туркий ёзма адабиётининг, ўтмиш аждодларимиз тафаккурининг тенгсиз ёдгорлигидир. “Қутадғу билиг”нинг учта йирик қўлёзмаси маълум. Уларнинг бири эски туркий (уйғур), қолган иккиси араб хатида. Араб ёзуви қўлёзмалар, тахминан, XIII-XIV юзйилликлар оралиғида кўчирилган. Эски туркий ёзуви нусхаси эса 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган.

Ушбу нусха “Қутадғу билиг”нинг илк топилаган нусхаси бўлиб, у ҳақидаги дастлабки маълумотларни 1825 йилда Пьер Амедей Жобер томонидан ёзилган мақоладан билиш мумкин.

“Қутадғу билиг”нинг Ҳирот нусхаси ҳозирда Австрия миллий кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида сақланади, 95 vara, ўлчами 320×250 миллиметр, пахтадан тайёрланган оч сарик рангдаги қоғозга ёзилган,

саҳифаларида 27 дан 43 сатргача бор, яхши сақланган. Асарнинг эски туркий ёзуви нусхасини Ҳ.Вамбери, В.Радлов ва Р.Аратдан бўлак қимса жиддий ишлаган эмас. Қолаверса, Ҳ.Вамбери ва В.Радловнинг транскрипцион наشرлари XX асрнинг боши-даёқ туркологияда танқидга учрагани мутахассисларга аён. Бунинг тўғри тушуниш керак, уларнинг тадқиқоти Европа туркшунослиги энди оёққа тураётган бир даврда — XIX аср охириларида яратилган. Шунинг учун қусурлардан холи эмас.

Ҳозир ҳам эски туркий хатидаги матнларни ўқиб, улар устида илмий иш яратишга қодир бўлган олимларнинг ўзи дунё шарқшунослигида бармоқ билан санарли. Шунинг учунми ёки матнни ўқиб маъно чиқариш қийинлигини, асарнинг ҳирот нусхаси фан эътиборидан айтирли четда қилиб келмоқда.

Ўзбек илм-фанида бу йўналишда бирмунча ишлар қилинган. Хусусан, туркий битиклар билимдони Қосимжон Содиковнинг “Қутадғу билиг”нинг эски туркий ёзуви хирот нусхаси” деб номланган китоби чоп этилган.

Қизиги шундаки, эски туркий ёзуви қўлёзмаининг бошқа нусхалардан фарқи томонлари кўп. Шу чоққача бу нусхани кўрган олимлар, ушбу фарқларнинг кўпни котибнинг хатоси, деб келдилар. Аслида, фарқлар котибнинг хатолари эмас, мазмун билан боғлиқ. Унинг котиби Қорахонийлар даври тилини жуда яхши билган ва матнга билим билан ёндашган. Қўлёзма кўп билан ўрганилса, асар ва унинг мазмуни билан алоқали кўп тугунлар ечилибди, илк нусха (муаллиф варианты) сари йўл очилади.

“Қутадғу билиг” — буюк мафкуравий, фалсафий асар. Боболаримизнинг юзйилликлар оша бизга қолдирган олам ва жамият ҳақидаги қарашларини яхлит бадиий маржонга тизиб берган китоб, ҳазина. Халқаро анжуманда илмий жамоатчилик томонидан билдирилган юқоридаги фикр, таҳлил, хулоса, тақлиф ва тавсиялар эса бизнинг мазкур ҳазинадан кўпроқ баҳраманд бўлишимизга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Нодир МАҲМУДОВ ёзиб олди.



Қосимжон СОДИҚОВ, филология фанлари доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори:

шига гувоҳ бўламиз. Муҳими шундаки, илк ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларда тил билими билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи бутун бошли атамалар тизими мавжуд эди. Буларнинг бари ота-боболарнинг ёзма меросида тамғаланиб қолган.

Шарқ тилшунослиги “тил” билан “нутқ”нинг ўзаро фарқини, “ёзма адабий тил”ни фарб илмига қараганда, анча бурун англаб етди. Утмишда яшаб ўтган улуғ ижодкорлар, олим ва мутафаккирлар ўз асарларида “тил” билан “нутқ”ни, “оғзаки нутқ” билан “ёзма адабий тил”ни бир-биридан фарқлаганлар. Бунинг учун асарларида ишлатилган махсус истилоҳларда кузатиш мумкин.

Улуғ шоир ва файласуф, эски туркий тилининг билимдони Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида “ёзма адабий тил”ни битиг сўз

тили деб атаган эди. Шунингдек, тил тарихида “нутқ” тушунчасининг ҳам ўз атамалари бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб “нутқ; оғзаки сўз”ни **тилин сўз**, тил сўз деб атаган. У ўзининг “Ҳибат ул-ҳақоик” асарида “оғзаки тил”, яъни “нутқ”қа нисбатан **ағиз тил** атамасини ҳам қўллаган эди.

Кишилиқ ўтмишида лингвистик билимлар тарихи “тил”ни англашдан, у ҳақидаги тушунча-қарашларнинг юзага келишидан бошланган. Шунинг учун ҳам тил сўзини лингвистик тушунчаларнинг биринчиси, лисоний қарашларнинг таянч нуқтаси **деса бўлади**. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида “Бу туркча сўзини тоғ кийигидек кўрдим” (Кейик тағи кўрдум бу туркча сўз) деб ёзган эди.

ли” асарида “Бу туркча сўзини тоғ кийигидек кўрдим” (Кейик тағи кўрдум бу туркча сўз) деб ёзган эди.

Ўз маснавийсини битар экан, китоб эгаси (**китаб идиси**) бор ижодий маҳорати, ўткир тил билимини ишга солган. Ҳайратланарлиси шундаки, эски туркий тил луғат таркибидаги сўзларнинг киши ўй-хаёлига келмаган, бошқа ёзма ёдгорликларда учрайвермайдиган, инча маъноларини ҳам “Қутадғу билиг”дан топамиз. Матннинг ичига чуқур кириб борганингиз сайин, сўзларнинг янги-янги маънолари очилаверади. Шоир эски туркий тилининг бойлиги, кенг имкониятларидан унумли фойдаланган.